

Ishonch

2019 йил 3 август • шанба • № 94 (4223)

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2 август куни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир жорий йил 23 июль куни ўтган йиғилишнинг манتيқий давоми бўлди. Ушанда соҳадаги тизимли муаммолар чуқур муҳокама қилиниб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Бу талғи йиғилишда шу борадаги ишлар қандай ташкил этилаётгани тўғрисида мутасадди вазирлик ва ташкилотларнинг раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Тадбиркорлар ташаббусларини амалга оширишга таъминчи қилаётган қатор муаммоларни марказий идоралар аралашувисиз, жойида ҳал қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Масалан, ер ажратиш ҳамда инфратузилмага ажратиш ҳамда боғлиқ масалалар ҳал этилса, тадбиркорларнинг аксарият муаммоси ечилади. Лекин ер ажратиш учун хулоса берадиган саккизта идора томонидан ҳужжатларни қўриб чиқиш муддатлари асоссиз ра-

вишда, ойлаб чўзиб юборилмоқда. Президент мазкур ташкилотларнинг рухсат беришга оид функциясини мувофиқлаштириш, улардаги маълумотлар базасини интеграциялаш орқали бундай «рухсат берувчи» идоралар сонини қисқартириш, бу борадаги тартибни тақомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасига, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигига йирик корхоналарнинг бўш турган объектлари негизда қўшимча кичик саноат зоналари ташкил этиш, уларни электр, сув, газ, йўл ва алоқа коммуникациялари билан таъминлашга қетадиган харажатларнинг 65 фоизидан давлат бюджетидан қоплаш тартибини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

23 июлда бўлиб ўтган йиғилишда тадбиркорлар мулкларини компенсация тўламасдан бузиш ва ер майдонларини олиб қўйишга

мутлақо йўл қўйилмаслиги белги-ланган эди. Давлатимиз раҳбари шу масалада Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Ишчи гуруҳ тузиш, улар жойларга чиққан ҳолда тадбиркорларга етказилган зарарни хатловдан ўтказиб, бу маблағларни бозор қиймати асосида тўлаб бериш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йил 5 августдан бу борадаги ишларни қатъий тартиб билан, уч босқичда ташкил этиш белги-ланди. Биринчи босқичда ҳудудий ҳокимликлар бўлишига зарурат туғилган жой бўйича материаллар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига киритади. Иккинчи босқичда шаҳар-созлик талаблари бўйича Бош вазир-нинг биринчи ўринбосари ҳамда мо-лиявий ҳисоб-китоблар бўйича Бош вазир ўринбосари томонидан хулоса тайёрланади. Учинчи босқичда маз-кур хулоса қўриб чиқиш ва қарор қа-бул қилиш учун Бош вазирга кирити-лади.

Видеоселектор йиғилишида тадбиркорликни молиявий қўллаб-қув-ватлаш, шу билан бирга, ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самара-ли ишлатилишини таъминлаш мас-аласи ҳам муҳокама қилинди. Маълумки, охириги йилларда

тадбиркорликни ривожлантириш учун катта миқдорда кредитлар бе-рилди. Уларнинг 90 фоиздан зиёди давлат маблағларидир.

Ўтказилган ўрганишлар 2017-2018 йилларда банкдан кредит олган мингдан ортиқ тадбиркорларнинг лойиҳалари бўйича ер ажратиш, ин-фратузилмага улашиш, рухсатнома олиш, дастгоҳларни келтириш ва бошқа турли масалаларга доир му-аммолар борлигини кўрсатган. Бу, ўз навбатида, берилган кредитларнинг қайтарилишини қийинлаштиради.

Шу боис Ҳисоб палатаси, Маро-казий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига муаммолари бўлгани учун тўлиқ амалга оширилмаётган лойиҳалар рўйхатини шаклланти-риб, уларга амалий қўмак бериш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари банклар иш услубини тубдан ўзгартириб, тадбиркорларни уларнинг бутун фаолияти давомида қўллаб-қувват-лаш, ўз миқдорлари билан ҳақиқий маънода бизнес-ҳамкор сифатида ишлаши кераклигини таъкидлади.

Халқаро кредит линиялари маб-лағларини тадбиркорлик соҳасига кенгрок жалб қилиш, уларни ўз-лаштириш борасида ҳар бир ҳудуд

кесимида тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ти-жорат банкларида ташкил этилган Инвестиция марказлари орқали бу кредитларнинг йўналишлари ва шартлари тўғрисида ҳар бир ми-жозга тўлиқ маълумот берил ш зару-рулиги қайд этилди.

Йиғилишда фаолиятини тўхтат-ган кичик бизнес субъектларини қайта тиклаш масалалари ҳам таҳ-лил қилинди. Мутасаддиларга со-лиқ ва статистика маълумотларини таҳлил қилиб, ҳар бир корхонанинг фаолият кўрсаткичи сабаблар-ини аниқлаш вазифаси қўйилди. Ҳокимларнинг тадбиркорлик маса-лалари бўйича ўринбосарлари ва жойлардаги иқтисодий комплекс идоралари раҳбарлари фаолиятини тиклаш имкони бўлган корхоналар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериши кераклиги таъкидланди.

Фаолият кўрсатмаётган корхо-наларни тиклаш, иш ўринларини легализация қилиш, янги лойиҳа-ларни ўз вақтида ишга тушириш ҳисобига солиқ базасини кенгай-тириш юзасидан кўрсатмалар бе-рилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни Беларус Лукашенко билан телефон орқали му-лоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашенко ва биродар Беларус халқига куни кеча муваффақиятли якунланган Ўз-бекистон Республикаси Президентининг Беларус Республикасига илк расмий ташрифи давомида кўрсатилган меҳмондўстлик учун саимий ми-натдорлик билдирди.

Президентлар Ўзбекистон – Беларус саммити кўп қиррали икки томонлама муносабатларни си-фат жиҳатида янги босқичга кўтариб, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитганини катта мамну-ният билан қайд этдилар.

Хусусан, Минск шаҳрида бўлиб ўтган Худуд-лараро форум ва Ўзбекистон миллий саноат кўр-газмасининг самарали натижалари, уларнинг яку-нида 300 миллион долларга яқин қийматдаги экс-порт-импорт шартномалари ва етакчи корхоналар кооперацияси тўғрисидаги келишувлар имзолан-гани юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида фаол алмашинувларни да-вом эттириш муҳимлигини қайд этдилар.

Ташриф доирасида ташкил этилган Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда Беларус пойтахтида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бюсти-нинг очилиши халқларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қизмат қилиши таъкидланди.

Мулоқотда эришилган келишувлар ва қабул қилинган ҳужжатларни «йўл харитаси» асосида амалга оширишга қаратилган биринчи галдаги чо-ра-тадбирлар муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция ва инноваци-он соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Беларус корхоналарининг илгор технологиялари ва ил-мий тажрибаси асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳалар ва кооперация дастурларини илгари суриш хусусида сўз борди.

Мулоқот сўнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларус Респуб-ликаси Президенти Александр Лукашенкони ўзи учун қулай фурсатда мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга тақлиф этди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Беларус ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий экани-ни таъкидладилар.

ЎЗА

Жамоатчилик комиссияси


Мулоқотлар давом этмоқда

Халқимиз ҳаётини янада фаровонлашти-риш, туман ва шаҳарларни обод маскан-ларга айлантириш, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ҳамда мутасадди раҳбарларнинг аҳоли бевоқифлиги му-лоқотини йўлга қўйиш орқали мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган Жамоат-чилик комиссиясининг фуқаролар билан мулоқотлари Мирзо Улўфбек туманида давом этди.

Туманининг барча ҳаққондор аҳоли шай-роқидидаги учрашувда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси, Жа-моатчилик комиссияси раҳбари Қудратилла Рафитов мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифа-ларга батафсил тўхталди.



2




Самарқанд вилояти

Президент ташрифидан сўн

Жиззах вилояти

Муаммо ечим кутади



Кўхна заминнинг навқирон қиёфаси


Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 26 июль куни Самарқанд вилоятида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ва ҳаётга татбиқ этилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Мазкур ташриф асносида давлатимиз раҳбарининг энг уюшлари са-марқандликларни янги марралар сари давлантиришда.

3



Можрум сайёҳларни афтун этади, ЯММО...

Фориш туманидаги Можрум қиш-лоғи Нурота тоғлари оралиғида жойлашган. Сув тўла сой одам-ларнинг бу заминга ўрнашишини асо-сий сабабидир. Уйларнинг қарийб бар-часи тошлардан қурилган. Чунки ҳу-дудда туپроқдан кўра, тошни топиш осонроқ. Деворларнинг 60 сантиметр қалинлиқда бўлиши, тошларнинг лой билан сувалиши хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъмин-лар экан. Можрумда яна бир муҳим объект бор. Бу кўп асрлик арча дарахти. 17 минг 752 гектарлик «Нурота» давлат қўриқхо-наси ва қишлоқ чегарасида жойлашган дунёдаги энг йирик игна баргли дарах-лардан бири бўлган арчанинг ёшини кимдир унинг йилга тенгаштиради, яна кимдир унинг уруғи ерга қадалганига 2,5 минг йил тўлганини айтади. Мазкур табиат мўъжизасини кўрган киши борки, унинг ҳайбатидан ҳайрат-ланмай иложи йўқ. Шу боис, бу ердан сайёҳларнинг қадами узилмайди.



4



Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Рес-публикасининг суғурта бозорини ислоҳ қи-лиш ва унинг жадал ривожланишини таъ-минлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қар-ори қабул қилинди.

uza.uz

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 1 август куни Швейцария Президенти Ули Маурернинг мил-лий байрам – Швейцария Конфедерацияси таш-кил топган кун муносабати билан табрикланди.

Президент матбуот хизмати

«Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжа-лиги техникалари билан таъминлашни давлат то-монидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбир-лар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Хўққий ахборот» канали

Давлатимиз раҳбари «Пиллачилик тармоғида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

gazeta.uz

1 август куни Бишкек шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон бош вазирлари учрашди.

kun.uz

«2020-2024 йилларда республикада бола-лар ва ўсимлар спорт мактаблари, умумтаъ-лим мактабларида спорт объектларини қу-риш, реконструкция қилиш ва капитал таъмир-лаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Хўққий ахборот» канали

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» мустақилликнинг 28 йиллиги нишонлаши муносабати билан 31 август-дан 3 сентябргача республика ичидаги барча авиа-қатновлар чипталарига чегирмалар эълон қилди.


daryo.uz

Пойтахтимизда темирйўлчиларнинг касб байрамига бағишланган тантанали тадбир бў-либ ўтди.

uza.uz

Атоқли ижодкор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Муҳаммад Исмоил Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга их-тисослаштирилган мактаб-интернат директори этиб тайинланди.

uza.uz



Хоразм вилояти

Ишонч қозониш осон эмас

Яқинда бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида «Халқ сўзи» ва «Ishonch» газеталарида чоп этилган ЎзКУФК Ахборот-таҳлил маркази раҳбари Шоқосим Шонислом билан сўхбат-мақолада кўтарилган масалаларни биргаликда таҳлил қилдик.

Ушбу мақола нафақат касба уюшмалари фаолияти кенг таҳлил қилинган билан, балки ижтимоий ҳимоя сиёсатининг мазмун-моҳияти, аҳамияти очиб берилгани билан ҳам диққатга сазовор. Фикрлашув асноси ўз фаолиятимизга четдан туриб баҳо беришга ҳаракат қилдик. Ютуқларимиз, камчиликларимиз ҳақида мулоҳаза юритдик.

Тасарруфимиздаги бошланғич ташкилотларда фидойи етакчилар талайгина. Уларнинг сазй-ҳаракати билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари изчил ҳимояланмоқда. Хусусан, ўтган даврда олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ёш оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. 25 та нодавлат мулк шаклидаги корхонада вояга етмаган болалари бор 47 нафар аёлнинг ойлик маши сақланган ҳолда иш ҳақини 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. 36 та корхонада эҳтиёжманд оилаларнинг 189 нафар фарзанди учун ўқув қурол-

лари, дарсликлар харид қилиш сарф-харажатлари қисман қопланди. Икки ёшдан уч ёшгача фарзанд тарбиялаётган 65 нафар аёл моддий қўллаб-қувватланди. 81 нафар пенсия ёшидаги ходимга моддий ёрдам кўрсатилиб, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. 81 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан совғалар топширилди. Албатта, жамоа раҳнақига ҳисса қўшган, ҳозир нафақада бўлган собиқ ходимлар ҳам эътибордан четда эмас. Улардан 286 нафарининг ҳолидан хабар олинди. Ногиронлиги бўлган 44 нафар ходимга байрамлар арафасида моддий ёрдам ажратилди.

Давлат дастурлари, касба уюшмаси иш режаси асосида ҳам аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, тасарруфимиздаги ташкилотларда 300 нафардан зиёд касаначи тикувчилик, новвойлик, дурад-горлик, сартарошлик, қандолатчилик ва бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Улар касба уюшма хизматига олиниб, барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланмоқда.

Тасарруфимиздаги 4 та оромгоҳда ка-

саба уюшма аъзоларининг 1080 нафар фарзандини соғломлаштириш белгиланган бўлиб, айни пайтда бу жараён давом этмоқда. Июнь ойида оромгоҳга жалб қилинмаган болаларимизни рағбатлантириш мақсадида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар уюштирдик. Соҳа ходимларининг 70 нафар фарзанди Ичан қалъада бўлди. 300 нафардан зиёд бола Урганч шаҳри ва туман марказларидаги истироҳат боғларида вақтини мароқли ўтказди.

Нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, улар учун турли тадбирлар уюштириш, саёҳатларга олиб чиқиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, йилнинг иккинчи чорагида 3714 нафар аъзосимиз Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива шаҳарларига олиб бордик.

Аммо қилшимиз керак бўлган ишлар ҳали кўп. Айрим фермерларнинг ишчилар билан меҳнат муносабатларида, афсуски, кентикликлар кузатилмоқда. Ёланма ишчилар ёрдамидан фойдаланганда «конверт» усулида пул тўлаш ҳолатлари мавжуд. Биз жойларда бўлиб, бу борада тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораёلمиз. Фақат иш берувчиларга эмас, ишчиларга ҳам меҳнат ҳуқуқларини тушунтиряғмиз.

Ишонч қозониш осон эмас, аммо уни оқлаш ундан-да қийин. Бу эса ишловчи-

Фаолият қирралари



ларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ҳаракатдан бир дам ҳам тўхтамасликни талаб этади. Шу кунларда кенг муҳокама қилинаётган «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида тизимнинг янада самаралироқ ишлашига шароит яратувчи кўплаб меъёрлар акс этганки, бу ҳужжатнинг қабул қилиниши фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бахтиёр МАТМУРОВОД,
Агросоанот мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Мулоқотлар давом этмоқда

41 Жумладан, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатидаги ижобий ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари, олиб кирилатган салмоқли инвестициялар, янги иш ўринлари ташкил этиш, узоқ йиллардан буён ҳал қилинмай келинган конвертация масаласининг ечилиши, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, тиббиёт ва таълим тизимини жиддий ислоҳ қилиш, ўқитувчиларнинг ойлик маошлари, шароитларини тубдан яхшилаш, мактабгача таълим тизимининг янгидан ташкил этилиши, «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларининг қабул қилиниши, ночор оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, пенсионерларга қаратаётган эътибор, ишловчи пенсионерларнинг ойлик маош ва пенсиялари тўлиқ берилиши каби кўплаб тарихий, илгари ҳеч қачон бўлмаган ислоҳот ва янгиликларга алоҳида урғу бериб ўтди.

Маҳалла раислари ҳамда участка инспекторлари ҳудуддаги ҳолат, ижтимоий масалалар ва чет элга узоқ мuddага кетган фуқаролар бўйича маълумот берди. Шундан сўнг маҳалла фаоллари мавжуд муаммоларни баён қилишди. Хусусан, дастлаб ҳудудда таъмирталаб йўллар, сув қувурлари, алмаштирилиши зарур бўлган эски симёғочлар мавжудлиги ҳамда уларни жорий йилда таъмирлаш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг маҳалла фаоллари ўзлари яшаб турган ҳудудда кўзга ташланаётган мавжуд муаммоларни баён қилишди. «Янги Авайхон» маҳалласида яшовчи Одилбек Асроров 2016 йилда акси ва ўзи операция бўлиб, бир буйрагини акасига берганини айтди. Ҳозирда акасининг соғлиги учун зарур дорини чет элдан келтириш учун маблағ сўраб мурожаат қилди.

Бу дорини Ўзбекистондан иллар топ олмадик. Фақат Ҳиндистонда бор экан, — деди О.Асроров. — Лекин унинг нархи қимматлиги сабаб харид қилишга имкониимиз йўқ. Шу масалада ёрдам беришларингизни сўрайман. Жамоатчилик комиссияси ҳолатни ўрганиб чиққач, дори-дармон олишда кўмак берадиган бўлди. Янги Авайхонлик маҳалла фаоли Зафар Абдураимов амалга ошириш учун икки ҳафта муҳлат берилди. «Олтинтепа» маҳалласида яшовчи Ихтиёр Фазлиев маҳаллада болалар майдончаси куриш учун жой ажратиб беришда, «Катта Олтинтепа» маҳалласи фаол-

лари ҳам маданий-маиший ва спорт-соғломлаштириш маскани, болалар майдончалари куришда амалий ёрдам сўрашди.

— Иккинчи гуруҳ ногирониман, — дейди «Шўртепа» маҳалласида яшовчи Ўтепова. — Ёлғизман, фарзандим йўқ. Икки йил бўлди, масаласининг ечилиши, ҳар 1 миллион 800 минг сўм қарзим бор. Тўлашга қурбим етмайпти. Хар сафар қарздорликни сўраб келишганида тўлашга ёрдам бериңлар.

Онахонинг жорий йил охирига қадар бўлган коммунал қарздорлиги тўла бериладиган бўлди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганиши, ночор оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, пенсионерларга қаратаётган эътибор, ишловчи пенсионерларнинг ойлик маош ва пенсиялари тўлиқ берилиши каби кўплаб тарихий, илгари ҳеч қачон бўлмаган ислоҳот ва янгиликларга алоҳида урғу бериб ўтди.


Маҳалла раислари ҳамда участка инспекторлари ҳудуддаги ҳолат, ижтимоий масалалар ва чет элга узоқ мuddага кетган фуқаролар бўйича маълумот берди. Шундан сўнг маҳалла фаоллари мавжуд муаммоларни баён қилишди. Хусусан, дастлаб ҳудудда таъмирталаб йўллар, сув қувурлари, алмаштирилиши зарур бўлган эски симёғочлар мавжудлиги ҳамда уларни жорий йилда таъмирлаш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг маҳалла фаоллари ўзлари яшаб турган ҳудудда кўзга ташланаётган мавжуд муаммоларни баён қилишди. «Янги Авайхон» маҳалласида яшовчи Одилбек Асроров 2016 йилда акси ва ўзи операция бўлиб, бир буйрагини акасига берганини айтди. Ҳозирда акасининг соғлиги учун зарур дорини чет элдан келтириш учун маблағ сўраб мурожаат қилди.

Бу дорини Ўзбекистондан иллар топ олмадик. Фақат Ҳиндистонда бор экан, — деди О.Асроров. — Лекин унинг нархи қимматлиги сабаб харид қилишга имкониимиз йўқ. Шу масалада ёрдам беришларингизни сўрайман. Жамоатчилик комиссияси ҳолатни ўрганиб чиққач, дори-дармон олишда кўмак берадиган бўлди. Янги Авайхонлик маҳалла фаоли Зафар Абдураимов амалга ошириш учун икки ҳафта муҳлат берилди. «Олтинтепа» маҳалласида яшовчи Ихтиёр Фазлиев маҳаллада болалар майдончаси куриш учун жой ажратиб беришда, «Катта Олтинтепа» маҳалласи фаол-

Мулоқот чоғида кўплаб ҳал этилиши лозим бўлган масалалар: ижтимоий ёрдамга муҳтож, дори-дармонга, даволанишга имкониёти етмаётган, шунингдек, уй-жой масаласида мурожаат қилган фуқароларнинг ҳам мурожаатлари алоҳида эътиборга олинди. Жамоатчилик комиссияси томонидан учрашувда кўтарилган муаммолар, айрим мутасаддорларнинг бепарволиги сабаб аҳолига азият етказаяётган ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга вазолати доирасида кечиктирмасдан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилди. Ҳар бир айтиб ўтилган масала ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиб чиқиш, тезкорлик билан ижобий ҳал этиш бўйича туман ҳокимлиги ва масъул ташкилотлар тегишли топшириқлар олишди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«ISHONCH»



Кўрик-танлов



Алижон АБДУРАҲМОВ олов суратлари

Тошкент шаҳри

«Ўзавтосаноат» АЖДА Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Муносиблар тақдирланди

Таъкидлаш жоизки, ушбу танлов бошланғич касба уюшма ташкилотларидаги илгор иш тажрибаларни аниқлаш ҳамда уларни оммалаштиришга қаратилган. Танлов ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, ташкилий ва маданий-маърифий ишларни яхши-

лаш, шунингдек, касба уюшма ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда. — Корхонамизда 1300 нафардан ортқ ходим меҳнат қилади, — дейди танлов ғолибларидан бири, «Тошкент иссиқлик маркази» акциядорлик жамияти бошланғич касба

уюшма ташкилоти раиси Фазлиддин Фахриддинов. — Биз ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга муносиб меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасидаги ишларни пухта йўлга қўйганмиз. Камтарона меҳнат ва фаолиятимиз эътиборга олиниб, ўзимизга тааллуқли йўналиш

Алижон АБДУРАҲМОВ,
«ISHONCH»

Тадбир

Муҳофаза – муҳим мезон

«Меҳнат муҳофазаси ойлиги» доирасида пойтахтимиздаги «Real Bitter textile» масъулияти чекланган жамиятида Учтепа туманида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касба уюшма қўмитаси раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

Сўнгги пайтларда корхона, ташкилот ва муассасаларда рўй бераётган бахтсиз ҳодисаларнинг аксарияти йўл транспорт билан боғлиқ бўлганлиги сабабли семинарда шу масалага алоҳида урғу берилди.

— Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олишда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларининг ўрни

катта, — дейди Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшанхон Маҳамдалиев. — Бугунги семинарни ташкил этишда асосий урғунни ҳужжатли фильм ва видеороликларни намойиш этишга қаратдик. Қўрилган лавҳаларни муҳокама қилиш жараёнида семинарнинг ҳар бир иштирокчиси ўз

фикр-мулоҳазасини билдирди. Бундай мулоқотлар ишчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда турли ташкилотлар мутахассислари меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилдилар. Шунингдек, соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари хусусида фикр юритилди.

Иштирокчилар «Bitter textile» масъулияти чекланган жамиятида ходимларга яратилган шароитлар билан танишди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Орамиздаги одамлар

реяга экспорт қилдик.

32 ёшли Ботир Бозоров 1-гуруҳ ногирони бўлишига қарамадан тиришқоқ ва махсулот сотиш ишларида жуда фаол. 2012 йилда бахтсиз ҳодиса рўй бериб, умуртқа поғонаси шикастланиб, аравачага ўтириб қолди. Лекин тушунлиққа тушмасдан қизиққан соҳаси бўйича ўқиди, изланди.

У юртимиздаги кўплаб ҳунармандлар кўргазмалари иштирокчиси. Давлатимизда эзгу ишларга барча шароит борлигидан чеқсиз фахрланувчи, яқин йилларда ўзининг алоҳида тадбиркорлигини ташкил этмоқчи бўлган бундай шижоатли инсонлар ғайрати барчамиз учун ўрнақдир.

Комила БОЙМУРОВА,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Узлуксиз меҳнат кишини толиқтиради, қолаверса, соғлиққа ҳам пўтур етиши мумкин. Шу боис йилда бир марта бўлса-да, сихатгоҳда дам олиш фойдадан холи эмас.

Миннатдорлик

Ишловчининг ғамхўри

Мен ҳам ёзининг иссиқ кунларида хушхаво маскандан ҳордиқ чиқаришга жазм этиб, ишхонадаги касба уюшма қўмитасига «Қашқадарё соҳили» санаторийсига бепул йўлланма ажратилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим.

Бошланғич ташкилот раиси керакли ҳужжатларни тайёрлаб, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгашига юборди. Кенгаш боқувчисини йўқотган оила эканимиз, фарзандимни ёлғиз ўзим вояга етказаяётганим, яшаш шароитимни инобатга олиб, менга санаторийга бепул йўлланма ажратди.

Мурожаатим эътиборсиз қолдирилмагани, бир кун ичида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилгани учун АТИБ «Ипотека банк» Бухоро вилояти филиали касба уюшма қўмитаси ҳамда тармоқ касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши масъулларига чин дилдан миннатдорлик билдираман. Ишловчини қўллайдиган шундай ғамхўр ташкилот борлигидан хурсандман.

Гўлшода КАРИМОВА,
АТИБ «Ипотека банк» Бухоро вилояти филиали ходими



Халқимизда қимирлаган қир ошар, деган нақл бор. Бунинг учун инсон шижоатли, изланувчан, билимли, қўнгли бўлмоғи лозим.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида жойлашган «Ecomfort» фирмасига қарашли «Пўлатова Шахлохон Баҳодиржон қизи» корхонаси иш юритувчиси ва сотувчиси Бо-

Ҳаёт меҳнат билан гўзал

тир Бозоров ҳам шундай инсонлардан бири.

— Ҳаётда жуда яхши инсонлар кўп экан, — дейди Ботир Бозоров. — Раҳбаримиз Шахлохон ва турмуш ўртоғи Қахрамонжон муҳим йўл-йўриқларни кўрсатиб туришади. Бизда ортопедик ёстиқчалар ва кўрпачалар ишлаб чиқа-

олади. Чиройли дизайнга эга махсулот, аллергия бермайди, экологик табиий ва тозадир. Жамоада ўндан ошиқ иш ўрни яратилган. Иш бошлаганимиздан буён 10 мингдан ортқ миқозларимизга ўз махсулотимизни етказиб бердик. Чет давлатлардан АҚШ, Голландия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Жанубий Ко-



Кўхна заминнинг навқирон қиёфаси

ДУНЁ ҚОПҚАЛАРИ ОЧИЛАР БУНДА

Самарқанд аэропортининг иш бошлаганига 92 йил тўлмоқда. Бу масканда ўтган даврда бир неча бор таъмирлаш ишлари амалга оширилганига қарамай, ҳаво дарвозаси шиддаткор замондан анча ортда қолаётгани аққол сезилиб қолганди. — Аэропортида бундан икки йил илгари ҳафтасига 8-9 марта асосан маҳаллий парвозлар амалга оширилди, — дейди Самарқанд халқаро аэропорти директори ўринбосари Иббот Доджоев. — Айни чоғда парвозлар сони ўрта ҳисобда ҳафтасига 30 мартага ошганини қайд этиш лозим. Жорий йилнинг ўтган даврида 220 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатилди.

Яқин келажакда қадимий шаҳарга ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар сонини икки минг нафарга етказиш чора-тадбирлари кўриляётган бир шароитда ҳаво дарвозаси имкониятларини ҳам ошириш лозим.

Давлатимиз раҳбари аэропорти ривожлантириш лойиҳаси билан танишди. Лойиҳага кўра, бу ерда соатига 600 нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган янги терминал барпо қилиш, учиб-қўниш йўлакларини таъмирлаш, самолётлар тураргоҳини кенгайтириш, радиолокация тизимларини такомиллаштириш чоралари кўрилади. Шунингдек, лойиҳадан аэропортга «Очиқ осмон» макомини бериш, аэропортга авиа ёнилғини муқталиб реализация қилиш, хорижий авиакомпаниялар билан тўғридан-тўғри рейсларни ташкил этиш ваколатини кенгайтириш каби бир қатор муҳим жиҳатлар ҳам ўрин олган.

Президентимиз ташрифидан сўнг фаолиятимизга яна бир кун назар ташлаб олдик, — дейди Самарқанд халқаро аэропорти касба уюшма кўмитаси раиси Жамол Раҳмонов. — Жамоамизда 720 нафардан ортиқ ходим ишлайди. Юртимизга ташриф буюраётган ҳар бир сайёҳ нигоҳи уларга тушади, илк мулоқот, таассурот шу ердан бошланади, деса ҳам хато қилмаган бўламан. Шу сабаб уларнинг ҳаётини кўнгли ва билимларини ошириш зарурлигини англадик. Айни вақтда бу масканда кутубхона хизмати ташкил этилган. Унда 2750 нусхадаги адабиётлар мавжуд. Имкон қадар кутубхонамиз фондиди кенгайтириш зарурлигини маслаҳатлашиб, яна 50 нусхадаги бадиий адабиётларга буюртма бердик.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — АМАЛИЁТГА

Давлатимиз раҳбари ўтган йили март ойида Самарқандда бўлганида Оқдарё туманининг Қорадарё соҳилидаги тошлоқ, захкаш майдонда гидропоника усулида мўл ҳосил яратаётган «Даромад бахт омад» МЧЖ миришкорлари фаолияти билан танишган эди.

Бу йил янги технологияга асосланган деҳқончилик ҳосили мўл бўлди. 4 гектар майдонда 220 тонна сабзавот етиштирилиб, унинг бир қисми Россия ва Қозғоғистонга экспорт қилинди. Худуддаги «Pure milk Oqdaryo» фермер хўжалиги 634 гектар майдонда хориж технологияси, яъни томчилатиб сўғориш орқали гўза парваришлаб келмоқда. Фермер хўжалиги эллик гектар галладан 135 миллион сўм фойда олди. Пахтачиликдаги янги усул ҳам ўз натижаларини беришига ишонч бор. Хўжалик аъзолари ҳозирда даладаги ҳолатни хомирчи қилиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта ҳосили олишни мўлжаллаб турибди. Фермер хўжалигида бўлиб ўтган учрашувда деҳқончиликда илгор технологияни қўлламасдан, ишга илмий ёндашмасдан туриб, натижага эришиб бўлмаслиги қайд этилди.

Президентимизнинг «Қандай қилиб одамларнинг даромадини оширамиз, деган савол, мени ҳар кунни ўйлантиради», деган сўзларидан қаттиқ таъсирландим, — дейди Пахтачи туманидаги «Галлакор» фермер хўжалиги раҳбари Норхол Курбонова. — Аслида, бу савол барча раҳбарларнинг тинчини бузиши керак. Мен ҳам хўжалик раҳбариман. Бу дард менинг ҳам кўнглимни ўрташи керак. Агар даламизга янги технологияларни олиб кирсак, кўрсаткичларимиз яхшиланиши, далада ишлаётганларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини англадик.

Туманимиздаги барча фермер хўжалиқларида касба уюшмаларининг бошланғич тузилмаларини ташкил этганмиз, — дейди Оқдарё тумани фермер хўжалиқлари бирлашган касба уюшма кўмитаси етакчиси Исрофил Мамарасулов. — Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатлари жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилиб келинмоқда. Далада ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳам иш бевуричлар ва касба уюшмалари маблағлари эвазига соғломлаштириш.

ТУРИСТИК ХАБГА ТАДРИК

Самарқанд сайёҳлар учун ҳар жихатдан жозибадор бўлмоғи даркор. Таъкидланганидек, бу ерда туризм йўналишидаги дастур, тарихий обидлар ва қадимжолар зиёрати билан чеклиниб қолинмоқда. Ваҳоланки, вилоятнинг жўрғой жойлашув ва табиати, дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш масканлари кўп. Шулардан бири эндигина ўзлаштиришга киришилган «Чўпон ота» массивидир. Денгиз сатҳидан 826 метр. Самарқанд шаҳридан 100 метр баландиқдаги азалий адирда бутун шаҳарнинг буй-баста намоён бўлади.

Бу ерда боғ, маданий-маърифий объектлар, ресторан ва сайёҳлар барпо этишга киришилгани нафақат меҳмонлар, балки шаҳар аҳлига ҳам беҳад манзур бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлиб-масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. — Тўғри, шаҳар ичида барча имкониятларга эга истироҳат боғлари мавжуд. Аммо айнан табиятдан баҳра олиш инсоннинг кўнглига ўзгача завқ бағишлайди. Президентимизнинг бу борадаги ташаббуслари халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди.

«АГРОМИР» ДУНЁГА БЎЙЛАЙДИ

Самарқанд туманидаги бу корхонада 450 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилади.

Корхонамизда ишловчи барча ходимлар бепул тушиқ билан таъминланади, — дейди корхона касба уюшма ташкилоти раҳбари Ирина Купасова. — Шунингдек, бир неча йўналишлардан қатнаб ишловчилар транспорт хизматида баҳраманд бўлмоқда. Бизда ходимнинг ишга ўз фурсатида келиши, белгиланган соатларда иш ўрнини тарқ этиши, оиласи бағрига ўз фурсатида етиб бориши юзасидан қатъий тартиб ўрнатилган.

Маъмурий ва касба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномасига мувофиқ меҳнат муҳофазасига оид тадбирларини иш бевурич тўлиқ молиялаштириб келмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнглисизликларнинг олдини олмақда. Бу муҳит ишлаб чиқариш сўрати ва сифатининг юксалишига хизмат қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Қозғоғистон, Озарбойжон, Тожикистон, Афғонистон каби давлатлар бозоридан муқим ўрин эгаллаб келмоқда.

ТАРАҚҚИЁТДА РАҚОБАТ МУҲИТИ

Президентимиз ташаббуси билан ривожланишда ўзига хос рақобат муҳитини яратиш мақсадида эндиликда Каттақўрғон тумани ва шаҳри ҳамда Ургут тумани ўзаро мусобақага киришадиган бўлди.

Ургут-ку маълум, аммо Каттақўрғон-чи?

Аввални кўя турайлик, ҳатто 2017 йилда ҳам туманга бир доллар хорижий инвестиция жалб этилмаган. Ана шу ва бошқа ҳолат туфайли туман мутасаддилари фаолиятига ҳолис баҳо берилди. Раҳбарият ўзгарди. 2018 йилдан бошлаб Каттақўрғон ривожланиш сари йўлга тушди. Ўтган йилнинг ўзида 3 та йўналишда (саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш) қиймати 51,9 миллиард сўмлик 158 та лойиҳа, дастур лойиҳасидан ташқари умумий қиймати 25,2 миллиард сўмлик 31 та лойиҳа амалга оширилди ва 930 та янги иш ўрни яратилди. 368,5 минг АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этилди. Тумандаги 11 та лойиҳага Халқаро молия ташкилотлари 3 миллион 109 минг АҚШ долларилек имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратди.

Бу йил амалга ошириляётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда. 2019-2020 йилларда туманга 220,7 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этиш режалаштирилган. Хитой инвестицияси иштирокида йилига 2,4 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиши бошлаб юборилди. Унинг йилига 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган биринчи босқичи 2020 йилда ишга туширилади. Бунинг учун 220 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри инвестиция киритилмоқда. Иккинчи босқич 2020-2023 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 200 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция ўзлаштирилади. Ушбу йирик лойиҳа туфайли туманда 1000 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, «Stoun holding group» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ташкил этилди. Натияжада 1 миллион 120 минг АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестиция ҳисобига мрамар плиталар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконияти яратилди. Ушбу йўналишда 2019 йилда 14 та лойиҳа шакллантирилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 13 миллион 470 минг АҚШ доллари ташкил этади. Туман тарихида биринчи марта умумий майдони 8 гектар бўлган 4 та замонавий иссиқхона, 700 бош этли қорамолни парваришлашга мўлжалланган 3 та чорвачилик комплекси, умумий сифими 10,5 минг тонна бўлган 4 та музлаткичи омборхона, 80 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этиш каби истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бориламоқда.

Пайшанба шаҳарчасидаги Алишер Навоий номи маҳаллада 1,65 гектар майдонда «Кичик саноат зонаси» ташкил этилмоқда. Ушбу ҳудудда ҳозир умумий қиймати 15 миллиард 740 миллион сўм бўлган 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда. — Саноатнинг заворли одими нафақат иқтисодиётда, одамлар турмушида ҳам ўз аксини кўрсатмоқда, — дейди Агроекономика ва маъмурий касба уюшмаси Каттақўрғон тумани кенгаши раиси Абдурашид Рустамов. — Очиғини айтганда, кейинги 30 йилда қўл тегилмаган ички йўллар мукамал таъмирдан чиқарилади. Қишлоқларни обод қиладиган айланма тузилмадаги ҳаракатлар кенг кулоч ёзди. Буларнинг барчаси одамларнинг эртанги кунга ишончини юксалтириб, уларни янги меҳнат марраларига ундамоқда.



Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch»

Тошкент шаҳри

Долзарб мавзу

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Хиёбонтена» маҳалласи аҳли спортнинг ўзига хос турлари бўйича «қўлга киритаётган» ютуқлари билан бошқалардан ажралиб туради. Шу ўринда «Улар бунга қандай эришган?» деган савол туғилиши табиий.

Бузилиш бор-у, қурилиш йўқ...

Ёхуд «Хиёбонтена» қачон обод бўлади?



Гап шундаки, ўтган йилнинг июль ойида шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва коллекторлар бўйидаги ноқонуний қурилмаларни бузишга бағишланган йиғилиш ўтказилиб, унда 412,5 км. узунликдаги 129 та канал, 7 та коллектор қирғоқларида қурилган турар жойлар ва бошқа объектларни бузишга қарор қилинди.

Шу тарзда иш бошланди. Бузилишлар бўлди-ю, аммо... Кейин иш тўхтаб қолди... Бугун вайроналар орасида қалавасиз ипдек бетартиб чўзилиб ётган кабеллари одамлар ҳаётига ҳавф солмоқда. Айниқса, ҳозирги таътил бўларда болалар уйда ўтирмайди. Белгиланган манзилга етиб бориш учун улкан бетон плиталари, гишт уюмлари ва бошқа тўсиқларни енгиб ўтиш лозим. Билмаган ҳолда электр кабелини босиб олмаслик учун эса эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик зарур. Қурилиш чиқиндилари орасига тушиб кетмаслик учун сакраниш яхши билиш ва арматуралар тўсиқларни ўз вақтида пайқаш шарт.

Шу тарзда хиёбонтеналиклар «экстремал спорт»нинг янги турлари билан шуғулланмоқда.


Спорт билан шуғулланиш умрни узайтиради. Шу боисдан аҳоли туман ҳокимиятидан «миннатдор». Бироқ яқинда бу ерда яна бошқа бир муаммо пайдо бўлди: уй вайроналари атрофида ишлатилган шприцлар тез-тез қўлга

ташлана бошлади. Устига устак соат 23:00дан кейин эса «тунги саргузашт» ишчибозларининг баланд овоздаги мусика ва ширалмайлари бузишга бағишланган йиғилиш ўтказилиб, унда 412,5 км. узунликдаги 129 та канал, 7 та коллектор қирғоқларида қурилган турар жойлар ва бошқа объектларни бузишга қарор қилинди.

Пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган бу манзилга сайёҳлар ҳам келишини ўйласанг, беихтиёр ўйга толсан киши: қизиқ, улар яшил майсазор, арчалар ва баландлиги жиҳатдан Марказий Осиёда иккинчи, дунё бўйича ўн иккинчи ўринда турган Тошкент телеинораси фониде харобаларни кўриб, нима деб ўйлашар экан? Балки ҳокимиятдаги мутасаддилар спортнинг «максус» турлари бўйича кўрик-танлов ташкил этиб, муаммони ечилиши кўзлаётгандир. Мусобақалар бир неча босқичда ўтиб, унга вайроналар орасидаги тўсиқлар оша югуриш, анҳордаги тик қиялик бўйлаб марафон ва арматуралар устидан сакраш каби шартлар киритилар?... «Хиёбонтена» маҳалласи аҳолиси ғолиблигини қўлга киритиши аниқ. Лекин бунга мутасаддилар нима дер экан? Ҳаммас гап шунда!



Бибигул МАХКАМОВА, «Ishonch»



Ирина КАСИЯНОВ

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Юнусобод қишлоғидаги «Булум-маҳмуд барак» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритиб келаётган «LXOM ISLOM FAYZ» фермер хўжалигига тегишли бўлган жами 16,24 гектар, шундан 12,36 га. ер майдонига жойлашган «Бозор» қўйилмоқда.

Буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истиқоли бидирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақами (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, ҳ/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808)га тўлашлари лозим.

Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабдорларга кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалари тўзилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусخаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Маъзур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдолари «BO'ZSUV NURLI ZAMIN» МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота туманининг 353-контурда жойлашган, жами 3,30 га. шундан 2,10 га. ер майдонига экилган 130 дона олхўри ҳамда 75 дона ёноқ дарваҳти қўйилмоқда.

Очиқ аукцион савдолари «BO'ZSUV NURLI ZAMIN» МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота туманининг 353-контурда жойлашган, жами 3,30 га. шундан 2,10 га. ер майдонига экилган 130 дона олхўри ҳамда 75 дона ёноқ дарваҳти қўйилмоқда.

Мулоҳаза



Можрум сайёҳларни афтиун этади, ЯММО...

41 – Бу ерга Англия, Германия, Америка, Жанубий Корея, Покистон каби давлатлардан тез-тез меҳмонлар келиб туради, – дейди шу қишлоқда яшовчи Шакарбой Шукуров. – Аммо уларни қизиқтирган нарса арча неча ёшда эканлиги. Бу жумбоқ эса ҳалигача очиқлигича қолиб келмоқда. Халқ афсоналарига кўра, арча бир кечада пайдо бўлган. Яна бир ривоятга кўра, Искандар Зулқарнайнинг юқори мартабали саркардаларини дафн қилишдан сўнг ушбу Савр арчасини экиш одати бўлган. Мазкур арчани эса Искандар Зулқарнай эккан, дейишади.

Улкан дарахт бу фаразни исботлаб тургандай. Дарахт танасида катта ковак бор. Бир пайтлар у девор билан ўралган ва қишлоқ болалари учун мактаб вазифасини ўтаган. Ундан ажралиб чиқадиган эфирли кислород нафас аззолари, асаб касалликларини даволашда қўл келади. Арчага ёндош сой бўйида ёнғоқ, бодом, нок, олма каби мева дарахтлар ўсмоқда. Ёнғоқ дарахтларнинг баъзилари юз, икки юз ва беш юз ёшга кирган. Қишлоққа туташ кўриқхонада сут эмизувчиларнинг 35, судалиб юрвчиларнинг 21, қўшларнинг 197, ҳашаротларнинг 815 тури учрайди.

Арчанинг юқори қисмидаги дарада бундан юз-икки юз йил илгари қурилган уйлар ва масжиднинг қолдиқлари бор. Ушбу иншоотларнинг тошдан қурилганлиги уларнинг азал таровати йўқолмаслигига сабаб бўлган.

Шакарбой Шукуров таъкидлаганидек, қишлоққа йилига минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Бу яхши. Аммо уларни кутиб олишда қатор камчиликлар мавжудки, дилни хира қилади.

Жумладан, қишлоқ йўли шунчалик торки, қарама-қарши томондан келадиган машина иккинчисига йўл бермасдан иложи йўқ. Фориш – Нурота йўлидан қишлоққа бурилишингиз билан тўзонда қоласиз.

– Кўчада кўтарилган чангдан ҳовлимизда бемалол ўтира олмаёмиз, – дейди шу қишлоқда истиқомат қилувчи Саъди Милтиқбоев. – Қишлоғимизга электр энергияси 1972 йилда келган, шундан буён симёғочлар алмаштирилмаган. Интернет ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Алоқага чиқиш учун бир неча километр пахта тушишимизга тўғри келади. Қишлоқдаги сўнги уй билан арчагача қарийб 2 километр йўл умуман талабга жавоб бермайди. Шунча жойга электр энергияси бормаган. Ички йўлларни таъмирлашга киришилган бўлса-да, бу ишлар бир маромда кетмаяпти.

Бу муаммолар, албатта, туризмни ривожлантириш учун катта тўсиқ.

Айтмоқчи бўлганимиз шунки, ҳудуддаги туристик имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ахир, биргина Можрумдаги тарихий арчани кўриш учун йилига минглаб хориқлик сайёҳлар ташриф буюришади. Бу ҳудуд аҳолиси учун янги иш ўринлари, даромад манбалари демак. Агар соҳа ривожини йўлида яратилган шароит ва имтиёзлардан оқилонга фойдаланилса, янги лойиҳалар амалиётга татбиқ қилинса, сайёҳлар сони бир неча бараварга ошиши мумкин. Ахир, Искандар Зулқарнай эккан арчани кўришга иштиёқмандлар оз дейсизми?

Демак, Можрумни ҳам туристик йўналишлар сафига қўшиш ва амалга оширишда дастурларга киритиш фурсати етди.



Мўқимбой ИСМОИЛОВ,
«Ishonch»

Туби тешик хумга ташланаётган тиллалар ёхуд маънавий «ботқоқлик» манзаралари

«ПУЛИНГ БОРМИ?»
– Қизимни ўқишга киритмоқчиман. Университетдаги таниш домланинг олдида борсам, пулимни олмаяпти, – дея нолиб кетяпти автобусда бир аёл.
– Кўнглидаги пулни бермагандирсиз-да, – дейди унга бошқа бир аёл.
– Тўппа-тўғри, – қувватлайди иккинчиси.
Аммо ҳеч ким бундан кейин пора эвазига ўқишга кириб бўлмаслигини айтмайди.

Балки бунга ишонмас? Зеро, йўқотилган ишончини қайта тиклаш осон эмас. Турли доирадаги мутасаддиларнинг пора билан қўлга тушаётгани ҳақидаги хабарларни эшитганимизда «бу иллатдан қутула олмаёмиз» деб кўямиз. Индаллосини айтганда, кўпчилик учун ишни пул бериб битириш қўлай бўлиб қолган. Ҳафалаб, ойлаб сарсон бўлмайди. Асаблари емирилмайди. Шу тахлит фикрлашда давом этарканмиз, қолаверса, пора олишга ва беришга тайёр икки инсон бор экан, коррупция барҳам топмаслиги аниқ.

моада мувозанат бузилади, иш унумдорлиги пасаяди.

«ҲОТАМТОЙ» ВА «СОҲИБКАРОМАТ»
Яқинда Ҳоразмда ҳуқуқ тартибот органлари вакиллари бир фуқарога иккита «Кобальт» ва битта «Спарк» автомашиналарини фоизсиз кредит эвазига олиб беришни ваъда қилган фирибгар аёлни фош қилди. У бу «ҳотамтой»лиги учун олдиндан амалга оширилмаган тўлов ва «хизмат ҳақи» эвазига 44 миллион сўм сўраган.

Янгиариқлик Б. исмли шахс ўзини «соҳибкаромат» фолбин сифатида эълон қилган. Буни исботлаш учун ҳамқишлоқларининг қорамолларини ўғирлаган. Сўнг эса катта миқдордаги пул эвазига «каромат» кўрсатиб, уларни топиб берган.

Бундай ажабтовор мисолларни яна келтириш мумкин. Энг ёмони, буни кўрган айрим ёшларда ҳар қандай йўл билан даромад қилиш, тез бойиб кетиш истаги кучаймоқда. Натижада қанча иқтидорли ёшлар ўз салоҳиятини илм-фан, жамият тараққиёти йўлида сарфлашдан кўра, ҳавойи истаклар йўлида қурбон қилишмоқда.

«ЭРКАТОЙ»ЛАР

Яқинда бир корхона раҳбари ходимларининг лаёқатсизлигидан нолиб қолди.

– Бу яхши ишлайдиганларга ҳам акс таъсир кўрсатаяпти, – деди у. – Нега мен шунча иш қилиб олган машини фалончи компьютерда ўйин ўйнаб оляпти, дейдиганлар ҳам топилади.

– Нега уларни бўшатмайсиз ёки бошқа чора кўрмайсиз? – дейман.

– Қандай бўшатаман? Бирининг отаси ҳоқимликда ишлайди, яна бҳрининг амасис. Уларни сал койисам, «тепа»дан кўнғирок бўлади.

«Эркатой»лар битта-иккита идорада топилса, майли эди. Уларнинг сони ҳам кам эмас. Кўп хато қилишига қарамай, жазоланмайдиган, ўзи ҳам хатосини тўғрилашга ҳаракат қилмайдиган «эркатой»лар ўша идора ёки ташкилотнинг ботқоққа ботишига сабаб бўлмайди? Уларни деб жа-


УЙ ДЕБ УЯТНИ УНУТМАДИКМИ?

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга уй топшириш тадбирида ишироқ этаётгандим. 70 ёшлардаги онахон ёнимга келиб, «Сиз газетадансиз-а?» деб сўради. «Ҳа» деганимга пушаймон бўлдим.

– Кичкина қизимга уй беришиди. Ёзинг, каттасига ҳам беришин, унинг ҳам эри йўқ.

Суриштирсам, онахоннинг кичкина қизи сурункали хасталикка чалингани боис, турмуш ўртоғи уйдан ҳайдаган. Аёл икки фарзанди билан кўчада қолган. Давлат унинг болшини силаб, бепул уй бергач, онахон қолган икки қизини ҳам турмушдан ажратиб олибди.

Магазинга ўғриликка тушган 28 ёшли Х. исмли шахсининг суддаги иттифоқларини бир эшитиб кўринг-а.



– Маҳалла биносида яшаш жонимга теғди, давлат қачон менга уй беради, қорнимни тўйғазиб учун ўғрилик қилдим, – дейди у.

Ҳолбуки, уни бир вақтлар ота-онаси мерос ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уйдан ҳайдаган. Кўчада қолгани учун ёмон йўлларга кириб кетмасин, дея маҳалла раиси унга идоранинг бўш хонасини яшаш учун ажратиб берган эди...

Бу манзаралар биз қайси бир маънода ботқоққа ботган ва ботаётганимизни кўрсатмайдими? Унинг номи нима, ношукрликми, боқимандаликми? Нега ўзимиз ботганимиз етмагандай унга фарзандларимизни, яқинларимизни ҳам тортяпмиз? Бу билан эса гўёки туби тешик хумга тилла ташлаётгандекмиз. Бу хум ҳеч қачон тўлмаслигини қачон англаб етамиз?

Энди ҳаётни, атрофни янги рағзаларда кўришни ўрганишимиз керак. Давлат ва халқ янада муштараклашиб, келажак сари бирга одимлашимиз шарт. Шундагина ботқоқлардан холи фаровон жамиятни шакллантираемиз.



Мўҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch»

Байрам табрири

БУХОРО ВАГОН ДЕПОСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимизнинг темир йўл соҳаси тизимида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, қурувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон кузатувчилари, соҳа фахрийларини касб байрами –

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

муносабати билан самимий муборакбод этади!

Ҳамкасбаримизга, соҳанинг барча ходимларига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, улуғвор ишларига улкан зафарлар, хонадонларига тинчлик-осойишталик ва файз-у барака тилаб қоламиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз касбдошлар!

<p>МУАССИС:</p> <p>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p> <p>2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.</p>	<p>Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ</p> <p>Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73</p> <p>www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.</p>	<p>Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz</p> <p>Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнлари чиққди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.</p> <p>Баҳоиси келишилган нарҳда.</p> <p>Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130</p>	<p>Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон – (+998-99) 889-90-23 Бухоро – (+998-99) 889-90-31 Жиззах – (+998-99) 889-90-34 Наманган – (+998-99) 889-98-02 Навоий – (+998-99) 889-90-28 Тошкент – (+998-99) 889-90-25 Самарқанд – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32 Фарғона – (+998-99) 889-90-24 Ҳоразм – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27</p> <p>«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов</p> <p>Мусаҳҳим: С. Шодиева</p> <p>Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов</p> <p>ЎЗА яқини – 23:05 Тошхирлиди – 00:50</p> <p>Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 817. 28020 нусxada босилди. Нашр кўрсаткичи: 133</p> <p style="text-align: right;">1 2 3 4 5</p>
--	---	---	--	---